



СИЁСИЙ ПУЛЬС



ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ТАЯНЧИ

Замонавий дунёда давлат тараққиёти табиий бойликлар ёхуд йирик sanoat va технология гигантлари билан ўлчанмайди. Ҳақиқий фаровонлик ҳар бир хонадонга, оддий инсонларнинг кундалик ҳаётига кириб бориши билан белгиланади. Бунда, табиийки, хусусий тадбиркорлик давлатнинг таянчи ўлароқ халқнинг турмуш даражасини юксалтирувчи иқтисодий локомотивга айланади.

Худди шундай, юртимизда ҳам 1 миллион 200 минглик доводни забт этган бизнес ҳамжамияти янги корхоналар ва иш ўринлари очиш орқали аҳоли учун даромад манбаини яратиш, ёшлар ва хотин-қизларни банд қилиш, маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш каби муҳим ижтимоий йўналишларда аниқ мақсадли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Хоразмда Президент Шавкат Мирзиёев бизнес вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотда жаҳондаги айни вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатда ўсаётгани, бу эса, аввало, тадбиркорлар билан елкама-елка амалга оширилаётган ислохотлар самараси экани эътироф этилди. Мазкур мулоқотда 500 нафарга яқин тадбиркор бевосита, илк бор туманлардаги студиялардан яна 25

мингга яқин соҳа вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, беш йил олдин тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиш анъанаси бошланганидан буён бизнесга тўсиқ бўлган минглаб масалаларга ечим берилди. Бу борада 84 та қонун, 861 та фармон ва қарор қабул қилинди.

► (Давоми 3-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНА ҚАЙСИ МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ?



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фуқаролар ҳаёти, тадбиркорлик муҳити, ижтимоий ҳимоя, хавфсизлик ва иқтисодий тараққиётга бевосита дахлдор қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Уларда аҳолига қулайлик яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларни ишончли ҳимоя қилиш, давлат хизматларини соддалаштириш ҳамда мавжуд тартибларни замон талабларига мослаштиришга қаратилган муҳим янгиликлар назарда тутилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

ФАХР

МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ

6

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Ҳар биримиз эрталаб уйимиздан чиқамиз ва кечқурун яна шу уйимизга қайтамыз. Биз учун уй — шунчаки яшаш жойи эмас. Уй — фарзандимиз лифтга кирганидаги хавфсизлик, кекса ота-онамиз зинадан тушганидаги қулайлик, ёмғир ёққанда томимиздан сув ўтмаслиги, қишда хонадонда иссиқлик бўлиши, йўлакда ёруғлик ёниб туришидир. Шу маънода кўп квартирали уй юзлаб оилаларнинг ҳаёти, хавфсизлиги ва хотиржамлиги муҳассам бўлган макон. Шунинг учун уйни бошқариш фақат коммунал тўловларни йиғиш ёки чироқни алмаштириш эмас, бу одамларнинг ишончини бошқаришдир.

Бир нарсга эътибор берсак: бугун республикамизда 44 мингдан зиёд кўп квартирали уйда 7,1 миллион нафар инсон



яшайди. Бу кичкина рақам эмас. Аслида, кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида биз рақамларни эмас, уларнинг ортидаги инсонларни кўришимиз керак. Бизнингча, масаланинг энг муҳим нуқтаси ҳам айнан шу ерда. Масалан, эрталаб ишга шошилаётган инсонларни тасаввур қилайлик. Улар ўз уйдан чиқиши

билан лифтга ошиқади. Чунки юқори қаватда яшашади.

Ёки кекса онахон. Хонадони олтинчи қаватда. Лифт ишламаса, унинг учун бу оддий техник носозлик эмас — уйдан кўчага чиқиш чинакам машаққатга айланади.

► (Давоми 4-бетда)

БУ ДОЛЗАРБ!

ЭРКИНЛИК ВА ОЗОДЛИК — БЕНАЗИР ҚАДРИЯТ

Замонавий қулликнинг энг оғир кўриниши — одам савдоси моҳиятан ўзгалар эрки ва озодлигига, ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қимматига дахл қилиш, инсонийликни нафс кутқусида сарик чақага алишиш демакдир. Ушбу трансмиллий жиноятга қарши барча давлат ва жамиятларда кескин курашилмоқда, унинг аянчли оқибатларидан аҳоли хабардор қилинмоқда, олдини олиш чора-тадбирларига жиддий урғу берилмоқда. Бироқ ҳамон бу глобал муаммо на чекинади, на барҳам топади. Ҳали ҳам ғаламис кучлар, жиноий гуруҳлар томонидан инсонларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи эксплуатацияга, муносиб ҳаёт кечириш умиди эса жиноий даромад манбаига айланитириляпти. Меҳнат миграцияси кенгайиб, давлатларaro ҳаракатланиш эркинлашаётган бир пайтда

турли фибрибгарлик схемалари, сохта иш таклифлари, қалбаки меҳнат шартномалари пайдо бўлмоқда. Натижада, айниқса, ижтимоий заиф қатлам — аёллар, болалар, иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволдаги фуқаролар ҳамда чет элда ишлаш истагидаги инсонлар жиноятчилар тўрига илинмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотига кўра, ҳозирги вақтда дунё бўйича тахминан 49,6 миллион инсон замонавий қуллик шароитида яшамоқда — бунга мажбурий меҳнат ва мажбурий никоҳ қиради. Лекин мутахассислар бу рақам "айсбергнинг учи" эканини, реал вазиятда мазкур рақам анча юқорилигини таъкидлайдилар. Сабаби, айни жиноий ҳолатларнинг аксарияти яширин ҳолда содир бўлади.

► (Давоми 7-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНА ҚАЙСИ МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК – ИҚТИСОДИЙ ҚИЙМАТГА ЭГА АКТИВ

Бугунги кунда ғоя, ихтиро, бренд ёки янги технология нафақат интеллектуал меҳнат маҳсули, балки катта иқтисодий қийматга эга актив ҳамдир. Уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мажлисда дастлаб интеллектуал мулк объектларини иқтисодий актив сифатида самарали муомалага киритиш, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда патент вакилларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласидаги аҳамиятини янада ошириш, улардан самарали фойдаланишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда патент вакилларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг 7 та қонуни ҳамда 4 та кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкий ҳуқуқлар гарови билан боғлиқ муносабатлар аниқ тартибга солиниб, бундай ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, патент вакилларининг интеллектуал мулк объектларига оид шартномаларни расмийлаштириш ва вакиллик қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилмоқда. Ушбу нормаларнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини янада қулайлаштириб, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни қисқартиришга хизмат қилади.

Интеллектуал мулкка бўлган мулкий ҳуқуқлардан гаров сифатида фойдаланиш имкониятининг кенгайиши эса ихтиро, товар белгиси ва бошқа интеллектуал актив эгаларига уларнинг иқтисодий қийматидан амалда фойдаланиш, молиявий ресурсларни жалб этиш ва ўз фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча имконият яратади.

Депутатлар таъкидлаганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш билан бирга, уларни иқтисодий актив сифатида фуқаролик муомаласига кенг жалб этиш, бозор қийматини шакллантириш ҳамда самарали тижоратлаштириш механизмларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

РЎЙХАТДАН ЎТИШ ЯНАДА ОСОНЛАШАДИ

Уй-жойи бор, аммо унда расман рўйхатдан ўта олмаётган фуқаролар учун енгилликлар яратилмоқда. Янги қонун лойиҳаси оилаларни бир манзилда рўйхатдан ўтказишни соддалаштириб, мактаб, боғча, поликлиника ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишдаги айрим муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган, фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси



иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат аҳолини яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш жараёнларини янада соддалаштириш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасида учта муҳим янгилик назарда тутилмоқда. Хусусан, оила аъзолари ва яқин қариндошлари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини қўллаш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинмоқда.

Яъни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, бува-буви ва набиралар, шунингдек, ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирининг уй-жойига рўйхатдан ўтаётганда хонадон майдони белгиланган меъёрдан кам бўлса ҳам, бу ҳолат рўйхатдан ўтишга тўсқинлик қилмаслиги назарда тутилган. Бу эса оила аъзолари ва яқин қариндошларни бир манзилда рўйхатдан ўтказишни енгиллаштиришга хизмат қилади.

Лойиҳада талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган талабаларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий механизм жорий этилиб, уларни рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси қўлланилмаслиги ҳам белгиланмоқда. Бу эса олий таълим муассасаларида талабаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ мавжуд амалий муаммоларни бартараф этади.

Бугунги кунда ипотека кредити ёки субсидия асосида уй сотиб олган кўплаб фуқаролар ўз уйида рўйхатдан ўтишда қийинчиликка дуч келмоқда. Бу эса уларга фарзандларини мактаб ёки боғчага жойлаштириш, поликлиникага бириктириш, пенсия ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишда муаммо туғдиряпти.

Қонун лойиҳасига кўра, эндиликда тақиқ ёки хатлаб қўйилган турар жойда яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун гаровга олувчининг, тақиқ ва хатлаб қўйишга ёки уни олиб ташлашга ваколатли органнинг розилигини олиш талаб этилмайди. Бу норма, аввало, уй-жой мулкдори ва унинг оила аъзоларининг ўз уйида қонуний рўйхатдан ўтишига имконият яратади.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ШАҲАРЛАР КЕНГАЯДИ, ИМКОНИАТЛАР КЎПАЯДИ...

Депутатлар “Сирдарё вилоятининг Гулистон, Ширин, Янгиер шаҳарлари, Гулистон, Боёвут, Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба, Сайхунобод, Қирдарё, Ховос туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги палата қарори лойиҳасини кўриб чиқишди.

Таклиф этилаётган чегара ўзгаришларига мувофиқ, Гулистон туманидан 527,23 гектар ва Боёвут туманидан 582,0 гектар ер майдонини Гулистон шаҳри таркибига ҳамда Боёвут туманидан

“

ЖАРИМА ҚЎЛЛАНИШИ
МУМКИН, АММО
УНИНГ ТАРТИБИ ҲАМ
АНИҚ ВА АДОЛАТЛИ
БЎЛИШИ КЕРАК. ЯНГИ
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
ТАДБИРКОРЛАРНИ
АСОССИЗ МОЛИЯВИЙ
ЖАЗОЛАРДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШ, НОҚОНУНИЙ
УНДИРИЛГАН
МАБЛАҒЛАРНИ
ҚАЙТАРИШ ВА
ЖАРИМА УСТИДАН
ШИКОЯТ ҚИЛИШ
ИМКОНИАТЛАРИНИ
ЯНАДА
КУЧАЙТИРИШГА
ҚАРАТИЛГАН.

638,77 гектар ер майдонини Ширин шаҳри таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Гулистон ва Ширин шаҳарлари вилоятдаги аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар ҳисобланиб, чегараларнинг кенгайиши шаҳарда аҳоли зичлигини камайитиришга, транспорт қатновини яхшилашга, ҳудудда йирик лойиҳалар учун замин яратиш, хорижий ва маҳаллий инвестициялар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳудудда янги sanoat зоналари, технопарклар ва юқори технологияли корхоналар ташкил этишга, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва sanoat соҳаларида ўн минглаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилашга шароит яратади.

Мажлисда чегараларга ўзгартиришлар киритиш масаласи тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ҳамда вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизигининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Ушбу масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАР НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — «Радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси орқали радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишнинг барча

босқичларида хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳамда атроф-муҳитни уларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик — мамлакат ҳудудидаги барча радиоактив чиқиндилар мажбурий давлат ҳисобидан ва назоратидан ўтказилади. Радиоактив чиқиндилар давлат реестри юритилиб, уларнинг миқдори, жойлашган жойи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар тизимлаштирилади. Бу эса радиоактив чиқиндиларнинг йўқолиши, рухсатсиз ишлатилиши ёки талон-торож қилиниши каби хавфларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, радиоактив чиқиндилар сақланадиган ва кўмиладиган объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ҳамда фойдаланишдан чиқаришга нисбатан қатъий хавфсизлик талаблари белгиланмоқда. Ҳужжатда радиоактив чиқиндиларни ҳосил қилган ёки уларнинг эгаси бўлган субъект томонидан улар билан хавфсиз муомалада бўлиш билан боғлиқ ҳаражатлар қопланиши мустаҳкамланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, хавфсизликнинг замонавий механизмларини жорий этиш ҳамда аҳоли ва атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ТАДБИРКОРНИ АСОССИЗ ЖАРИМАДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ТАРТИБ

Жарима қўлланиши мумкин, аммо унинг тартиби ҳам аниқ ва адолатли бўлиши керак. Янги қонун лойиҳаси тадбиркорларни асоссиз молиявий жазолардан ҳимоя қилиш, ноқонуний ундирилган маблағларни қайтариш ва жарима устидан шикоят қилиш имкониятларини янада кучайтиришга қаратилган.

Мажлисда биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси молиявий жарималарни қўллашнинг ягона, аниқ ва шаффоф тартибини белгилаш, молиявий санкцияларни ихтиёрий ва енгиллаштирилган тартибда ижро этиш механизмларини жорий қилишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорлар устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш, қонунга хилоф равишда ундирилган маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳада суд назоратининг самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий жавобгарликни қўллаш тартибини янада енгиллаштириш

ҳам белгиланяпти. Бу эса тадбиркорларни асоссиз ёки ортиқча молиявий жазолардан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ҳужжат билан молиявий жаримадан озод этиш ёки уни олти ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ҳам яратилмоқда. Қолаверса, суд томонидан бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган жарима суммасини қисқа муддатларда қайтариш, кечиктирилган тақдирда эса фоиз тўлаш тартибини жорий этиш назарда тутиляпти.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Давлат мулкидан самарали фойдаланиш, уни тадбиркорлар ихтиёрига очик ва шаффоф асосда ўтказиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан. Мажлисда давлат мулкни хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар юзасидан парламент сўровига берилган жавоб муҳокама қилинди.

Депутатлар Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С. Муродовнинг “Давлат мулкни хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига жавобини кўриб чиқди.

Такдим этилган жавобга кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат активларини хусусийлаштириш кўлами йилдан-йилга ортиб, бу борада замонавий ва халқаро амалиётга мос механизмлар жорий этилиши натижасида давлат иштирокидаги корхоналарни босқичма-босқич қисқартириш жараёнлари жадаллаштирилмоқда.

Парламент сўровида давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштиришга оид Президент фармон ва қарорларининг ижроси, хусусийлаштириш дастурларининг бажарилиши ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан кўтарилган саволларга тегишли жавоблар берилган.

Унда келтирилишча, давлат активлари ва ер участкаларини сотиш ҳамда тушушни таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг аксарияти бажарилган, бажарилмай қолган қисми юзасидан эса батафсил изоҳлар мавжуд.

Шунингдек, 2025 йилга белгиланган 7 та мақсадли индикатордан 6 таси бажарилгани, бироқ давлат активларини реализация қилишдан тушган маблағларни республика бюджетига ўтказиш кўрсаткичи тўлиқ амалга ошмагани ҳамда унинг тўлиқ бажарилмаслик сабаблари батафсил баён этилган.

Жавобда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида давлат активлари ва ер участкаларини сотиш ҳамда давлат кўчмас мулкларини ижарага беришда берилган имтиёзлар ҳам алоҳида келтирилган. Хусусан, давлат кўчмас мулк объектлари ва улуш (акциялар)ни сотиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини реализация қилиш, давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича имтиёзлар берилган.

Шу билан бирга, бўш турган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлар учун ер участкалари ва кўчмас мулк объектларини реализация қилиш механизмларини янада соддалаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлисда атрофлича маълумотлар такдим этилгани таъкидланиб, парламент сўровига жавоб маълумот учун қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ТАРИХИМИЗ ЗАРВАРАҚЛАРИ

Мустақиллигимизнинг қутлуг 35 йиллик айёми арафасида ҳудудларда, ҳар бир маҳаллада рўй бераётган янгиланишлар ва бунёдкорлик руҳи ҳар биримизга ўзгача кўтаринкилик бағишламоқда. Кенг қамровли инфратузилмавий ва ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёнлари Ватанимиз тараққиётида, айтиш мумкинки, янги тарихимизда муҳташам саҳифаларни очиб бормоқда.

Ислохотлар суръати ва кўлами жадаллашган мана шундай масъулятли даврда Ўзбекистон Президентининг Хоразм вилоятига ташрифи тарихий аҳамият касб этмоқда. Ҳудудда амалга оширилаётган, бошланаётган улкан лойиҳалар стратегик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда туб бурилиш нуқтаси бўлиши, шубҳасиз.

Охирги тўққиз йилда Хоразм вилояти иқтисодиётига 7,5 миллиард доллар миқдорида сармоя жалб этилгани ишлаб чиқариш кучларини модернизация қилиш имконини берди. Натижада вилоятда ишсизлик ва камбағаллик даражаси икки баробарга қисқарди.

Ёшларни замонавий меҳнат бозори талабларига мос равишда касб-ҳунарга ўргатиш ва уларнинг қафолатланган иш ўринларига эга бўлиши ижтимоий сиёсатнинг марказида туради. Урганч шаҳрида барпо этилган Илғор касбий маҳорат техникуми ва «Касблар шаҳарчаси» меҳнат бозоридagi талаб ва тақлиф мувозанатини таъминлашга қаратилган прагматик қадамдир. «Ўзинг ясаб кўр» тамойили асосида транспорт, логистика, қурилиш ва «яшил» энергетика соҳаларида мутахассислар тайёрлаш тизими соҳа корхоналари билан тўғридан-тўғри кластер усулида боғланган. Бу эса ёшларнинг ижтимоий мобиллигини ошириб, битирувчиларнинг меҳнат бозорига тез ва самарали интеграциялашувини таъминлайди.

Инфратузилмавий ривожланиш нуқтаи назаридан, Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасида 11 километрлик янги темир йўл тармоғининг фойдаланишга топширилиши транспорт логистикасини мақбуллаштириб, қатнов вақтини қисқартиради. Ушбу тизим йилига 650 минг йўловчига хизмат кўрсатиш орқали аҳолининг ҳаракатланиш эркинлигини таъминлайди, маданий-иқтисодий алоқаларни енгиллаштиради ва туризм соҳасида қўшимча бандликни рағбатлантиради.

Шу билан бирга, Урганч аэропортини кенгайтириш учун давлат-хусусий шериклик механизми асосида 264 миллион доллар миқдорида сармоя ажратилиши ҳамда Жанубий Корея компаниясининг жалб этилиши ҳудуднинг ҳаб ва транзит салоҳиятини оширади. Халқаро авиақатновлар географиясининг кенгайиши вилоят иқтисодиётига бевосита хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириб, кичик ва ўрта бизнес учун янги имкониятлар эшигини очади.

Бугун Хоразм воҳасида амалга оширилаётган комплекс ислохотлар фақатгина инфратузилмани янгилаш эмас, балки аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган тизимли давлат сиёсатининг амалий натижасидир. Бу жараёнлар жамиятимизда ижтимоий бирдамлик, давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ишонч мезонларини янада мустаҳкамлайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида вилоятда нуфузли халқаро анжуманлар, маданий-гуманитар ва иқтисодий саммитларни юқори даражада ўтказишга мўлжалланган замонавий инфратузилма объектларининг барпо этилиши Хоразмнинг тарихий-маданий ва туристик капиталини жаҳон миқёсида кенг намоён этишга, ҳудудий сервис ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасига инвестициялар оқимини оширишга кенг йўл очади. Бу каби улуғвор ўзгаришлар Хоразмнинг азалий бунёдкорлик салоҳиятига ҳар томонлама муносиб. Умид қиламизки, Урганч ва Хива каби шаҳарларимиз минтакавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган нуфузли тadbирларга мезбонлик

қилиб, юксак натижаларга эришади.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун энг муҳим ижтимоий ва сиёсий қадрият инсон капиталини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш, ҳар бир оиланинг барқарор ва муносиб даромад манбаига эга бўлишини таъминлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан, Хоразмда фойдаланишга топширилаётган стратегик лойиҳалар аҳоли турмуш фаровонлигига бевосита ва билвосита ижобий таъсир кўрсатаётгани билан, айниқса, аҳамиятли, бу ижтимоий тенг имкониятлар тамойилларининг реал ҳаётдаги амалий ифодасидир.

Ўзбекистон Президентининг тadbиркорлар ва иқтисодиётнинг реал сектори вакиллари билан мунтазам равишда ўтказиб келаётган очиқ мулоқотлари мамлакатимизда бизнес муҳитини мақбуллаштириш ва ишчанлик фаоллигини оширишда қудратли катализатор вазифасини ўтамоқда. Давлат ва бизнес ўртасидаги бундай конструктив мулоқот тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий қафолатларини мустаҳкамлаб, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан, тadbиркорлик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал ривожланиши макроиқтисодий кўрсаткичлар ёки ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишини таъминлабгина қолмай, фундаментал ижтимоий вазифаларни самарали ҳал этади. Энг асосий ва эзгу мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллик омилларини қисқартириш ҳамда барқарор даромад манбаларини шакллантириш ҳисобланади. Меҳнат бозори ва хусусий сектор интеграцияси оилаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаб, ижтимоий барқарорликнинг энг мустаҳкам қафолатига айланади.

Хоразмда бўлиб ўтган бу галги очиқ мулоқотда ҳам жуда муҳим масалалар муҳокама этилди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилиб, долзарб вазифалар белгиланди.

Партияимизнинг сиёсий ғояларига мувофиқ, бизнесда ижтимоий масъулият бўлиши принципиал аҳамиятга эга. Шу маънода мулоқотда ҳар бир лойиҳанинг самараси фақат технологияга эмас, уни ишлата оладиган малакали кадрларга боғлиқлигига эътибор қаратилди. Ҳар йили 50 миллиард долларлик юқори технологик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани қайд этилиб, уларда кадр тайёрлаш компоненти бўлиши шартлиги таъкидланди. Техникум ташкил қиладиган ёки давлат техникумини олиб, халқаро стандарт асосида кадр тайёрлайдиган тadbиркорларнинг ҳаражатлари солиғидан чегириб берилиши, шу тизим орқали 1 миллион ёшларни замонавий касбларга ўргатиб, юқори даромадли ишларга жойлаштириш мақсад қилингани билдирилди.

Ишонамизки, бу галги мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар рўёбга чиқиши нафақат иқтисодиётимизни юксалтиришга, асосийси, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга қўшимча шароит ва имконият яратади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундан кейин ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар самарали ижро этилиши, ёшларнинг ҳунарли бўлиши, фуқароларнинг муносиб иш билан таъминланиши йўлида барча куч ҳамда имкониятларини сафарбар этади.

Нафақат Хоразмдаги, юртимизнинг барча ҳудудларидаги бунёдкорликлар халқимизнинг муқаддас байрамига муносиб тухфа бўлмоқда. Машаққатли меҳнат, она Ватанга муҳаббат билан эришилаётган ютук ва натижаларнинг қадрига етиб, ўзаро ишонч ва бирдамлик руҳида фаолият юритиш барчамизнинг бурчимиз.

Янги тарихимизнинг зарвараклари хайрли ва улуғвор ишлар билан безалаверсин!

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ТАЯНЧИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: демак, хусусий корхоналарнинг асосий капиталга инвестицияси сўнгги беш йилда 3 карра кўпайиб, 363 триллион сўмга етган. Саноат ишлаб чиқариши 100 миллион доллардан ошган туманлар сони 66 тадан 116 тага кўпайган. Хизматлар соҳасида ҳам сезиларли ўсиш кузатилиб, хизматлар ҳажми 1 триллион сўмдан ошган туманлар 152 тани ташкил этмоқда. Бу жараёнда кичик бизнеснинг ўрни тобора мустаҳкамланаётгани, маҳаллада фаолиятини бошлаб, мамлакат бўйлаб филиаллар тармоғини яратган тadbиркорлар 550 тадан, миллий бренд яратганлар эса 300 тадан ошгани чиндан ҳам фахрланишга арзийди.

Мулоқотда тadbиркорлик учун яратилаётган имкониятлар ва бунинг реал самараси Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, аيني пайтда Хоразм иқтисодиётининг 72 фоизини кичик бизнес яратмоқда. Экспортда кичик бизнес улуши 81 фоизга етиб, вилоят республикада етакчи ўринга қикди. Қисқа даврда ҳудудга 4 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиб, 10 мингта янги қувват ишга туширилди. “Ҳазорасп” махсус иқтисодий зонаси ва 31 та саноат зонаси ташкил этилди.

Транспорт ва туризм инфратузилмаси ривожланди. Авиарейслар ва темир йўл қатновлари кўпайди, “Тошкент – Хива” тезорар поезди йўлга қўйилди. “Арда Хива” туристик мажмуаси барпо этилди, минглаб ўринли меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари ташкил қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда тadbиркорлик муҳитини янада эркинлаштириш, хусусий секторни иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш борасидаги



ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, энди ҳар йили даромади 1 триллион сўмдан юқори бўлган 50 та маҳаллий корхона танлаб олиниб, уларни IPOга тайёрлаш ва халқаро стандартларга мос ҳисобот тизимига ўтказиш ҳаражатларининг ярми қопланади. Бу хусусий бизнесга хориждан йилига камида 1 миллиард доллар жалб қилиш имконини бериши кутилмоқда.

Шу билан бирга, бизнеснинг ҳар бир босқичига мос “Бизнес старт”, “Бизнес лифт” ва “Бизнес юксалиш” дастурлари жорий этилади. Янги тadbиркорларга тайёр бизнес-режа ва 200 миллион сўмгача гаровсиз кредит бериш, сунъий интеллект орқали бизнес юритишни ўргатиш назарда тутилмоқда.

Жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда миллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда “экспорт навигатор” тизими ишга туширилади. Хорижда талаб юқори бўлган 100 та маҳсулот аниқлиди, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари ташқи бозор талабларига

мослаштирилади. Тadbиркорларга хорижий брендмейкерларни жалб этиш, миллий брендларни тарғиб қилиш, маркетингларда маҳсулот сотиш ва халқаро тендерларда иштирок этиш ҳаражатлари бўйича молиявий кўмак кўрсатилади.

Экспортнинг асосий бозорларида “экспорт элчилари” институти ҳам йўлга қўйилади. Бу тadbиркорларнинг хорижий ҳамкорлар топиши, сертификатлаш, маркетинг ва савдо тармоқларига киришини енгиллаштиради.

Эндиликда кичик бизнесда инсон саломатлиги ва бошқа тadbиркорлар манфаатларига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган текширувларга уч йиллик мораторий жорий этилиши, ўрта ва йирик корхоналар учун профилактик аудит механизми қўлланилиши ҳаётий заруратдир. Шунингдек, барча турдаги жарималар миқдори ўртача икки баробар камайтирилади. “Биринчи хато учун огоҳлантириш” қоидаси жорий этилиб, биринчи марта қоидабузарликка йўл қўйган ва жиддий зарар етказмаган тadbиркорга камчиликни бартараф этиш учун 10 кун берилади.

Келаси йилдан тadbиркор ва давлат ўртасидаги низоларда “тadbиркорнинг ҳақилик презумпцияси” тамойили амал

қилади. Яъни тadbиркорнинг айби судда исботланмагунча у айбсиз ҳисобланади.

Бундан ташқари, тadbиркорликка оид давлат хизматларининг 50 фоизи “сукут – розилик” тамойилига ўтказилади. Яъни ариза белгиланган муддатда кўриб чиқилмаса, у тadbиркор фойдасига ҳал қилинган ҳисобланади. Шу билан бирга, 30 дан зиёд фаолият тури бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилиниб, яна 35 тасини олиш муддати 2–3 баробар қисқартирилади. 10 та рухсат бериш тартиби эса хабардор қилиш шаклига ўтказилади.

Экспортчилар учун ҳам енгилликлар яратилади. Озиқ-овқат экспортида талаб этиладиган ветеринария, санитария ва фитосанитария ҳужжатлари ўрнига ягона “Саломатлик сертификати” жорий этилади. Янги лицензия ва рухсатномаларни жорий этишдан олдин улар уч ҳудудда олти ойлик синовдан ўтказилади.

Очиқ мулоқотда замонавий иқтисодиёт учун технологиянинг ўзи етарли эмаслиги, уни бошқарадиган ва ундан самарали фойдаланадиган малакали кадрлар ҳам кераклиги тилга олинди, юқори технологик инвестиция лойиҳаларида кадр тайёрлаш компоненти мажбурий бўлиши айтиб ўтилди.

Сунъий интеллектни бизнес тараққиётининг муҳим воситасига айлантириш ҳам кун тартибидagi масалалардан бири. Шунга кўра, юртимизда “10 минг корхона учун – сунъий интеллект ҳамкор” дастури доирасида корхоналарнинг сунъий интеллект жорий этиш ҳаражатларининг 50 фоизи қоплаб бериладиган бўлди. Тadbиркорлар учун тайёр сунъий интеллект дастурлари очиқ платформага жойлаштирилиб, янги маҳсулотлар учун AI моделларини ишлаб чиқишда суперкомпьютердан бепул фойдаланиш имкони берилади.

– Биз 40 миллионли халқмиз. Одамларимиз ҳаётини янада яхшилаш учун юқори иқтисодий ўсишни сақлаб қолишимиз зарур, – деди мулоқот якунида давлат раҳбари.

Ҳудудларнинг ўзига хос салоҳиятидан келиб чиқиб, янги иқтисодий ўсиш нуқталари белгилангани, инчунун, Тошкентда экспортга йўналтирилган бизнес, Андижон, Фарғона ва Наманганда тўлиқ занжирли тўқимачилик ва машинасозлик, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда туризм, креатив индустрия ва агросаноат брендлари ривожлантирилиши, Навоий ва Тошкент вилоятларида тоғ-кон, металлургия ва илмий кимё, Қашқадарё ва Сурхондарёда агросаноат ҳамда нефть-газ кимёсида юқори қўшилган қиймат занжирлари ташкил қилиниши, Қорақалпоғистонда “яшил” энергетика, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект иқтисодиётнинг янги драйверига айлантирилиши, Жиззах ва Сирдарёда эса автомобилсозлик, электротехника ва қурилиш материаллари бўйича рақобатбардош кластерлар равнақ топиши, шубҳасиз, тadbиркорлик учун янги имкониятлар эшигини очади.

Тadbиркорга фақат кредит ёки имтиёз бериш эмас, балки уни истикболли ғоядан тортиб, ишлаб чиқариш, экспорт ва капитални кўпайтириш босқичигача қўллаб-қувватлайдиган яхлит экотизимни шакллантириш – янги ислохотларнинг ҳозирги босқичида пировард мақсад ҳисобланади. Бу эса бизнеснинг меҳнат бозорида янги иш ўринлари билан фаол иштирок этишига, ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги ўрни ва таъсири янада ошишига замин яратади.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ёхуд ёмғирли кунда томдан сув ўтиб, юқори қаватдаги хонадоннинг шифти намланди. Бу ўша хонадонда яшаётган оила учун қўшимча ташвиш, харажат.

Қишнинг совуқ кунларини олайлик. Иситиш тизимида муаммо юзага келишини «тизимда носозлик» деб айтишимиз мумкин. Аммо хонадондаги оила, айниқса, болалар учун бу — совуқ уй.

Демак, 44 мингдан зиёд уй фақат яшаш учун жой эмас, бу шунча хонадонлар, оилалар ва турли тақдирлар дегани.

Маълум бўлишича, бугунги кунда уларга мингга яқин бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан ортиқ ширкатлар хизмат кўрсатмоқда. Соҳа сўнгги йилларда анча тартибга солинди. Бошқарув сервис компаниялари институти шакллантирилди. Норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Рақамли бошқарув механизмлари жорий этилди.

Қолаверса, 2026 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2027 йилдан эса республиканинг барча ҳудудларида мулкдорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш ва қарор қабул қилиш, шартномалар тузиш, ҳисоботлар тақдим этиш каби ишлар фақат "Менинг уйим" каби ахборот биллинг тизими орқали амалга ошириладиган бўлди. Бироқ мурожаатлар сонининг кўплиги, бошқарув ташкилотлари фаолияти юзасидан мунтазам танқидий муҳокамалар кузатилаётгани соҳада ҳали ечимини қутаётган тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Халқ демократик партияси "Мунозара майдони" пресс-клубининг навбатдаги сессияси мазкур соҳада амалга оширилган ишлар, кузатилаётган муаммолар таҳлили ва янги таклифлар учун навбатдаги майдон бўлди.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси:

- Ўзбекистон Халқ демократик партияси сўл қанот сиёсий куч сифатида ушбу масалага фақат уй-жой фондиди бошқариш ёки коммунал хизматлар қўратиш эмас, балки инсон манфаатлари




ва ижтимоий барқарорлик нуктаи назаридан қарайди.

Кўп квартиралли уйларни бошқариш — бу фақат коммунал хизматларни ташкил этиш масаласи эмас. Бу, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб турмуш шароитини таъминлаш ҳамда мулкдорларнинг бошқарув тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашдир.

Кейинги йилларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ипотека тизимини такомиллаштириш, қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш, кўп квартиралли уйларни бошқаришнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу ўзгаришлар халқимиз турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаётганини эътироф этамиз.

Бироқ бугун аҳолидан келаётган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимида ҳал этилишини қутаётган муаммолар оз эмас. Бошқарув сервис компаниялари фаолиятидан норозилик, хизмат сифати пастлиги, маблағларнинг сарфланиши бўйича етарли шаффофликнинг мавжуд эмаслиги, аҳоли билан мулоқотнинг суствлиги, авария ҳолатларига кеч муносабат билдирилиши каби ҳолатлар одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

ХДП бозор муносабатларига қарши эмас, лекин уй-жой ва коммунал хизматлар соҳаси фақат фойдани кўзлайдиган бизнесга айланиб кетмаслиги зарур. Бу миллионлаб инсонларнинг кундалик ҳаёти, кайфияти билан боғлиқ ижтимоий соҳадир.



КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Шунинг учун бу ерда эркин бозор тамойиллари билан бир қаторда давлат, жамоатчилик назорати, ҳисобдорлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилиниши шарт.

Партиямизнинг позицияси аниқ — аҳоли манфаати хусусий манфаатдан устун туриши керак.

Партиямиз бошқарув сервис компаниялари фаолиятига, соҳага масъул вазирлик, идораларга қўйиладиган талабларни янада кучайтириш тарафдори. Аввало, хизмат сифати бўйича аниқ мезонлар жорий этилиши, аҳоли мурожаатларига ўз вақтида ва самарали муносабат билдириш ҳамда масъулият ва жавобгарликнинг таъсирчан тизими йўлга қўйилиши лозим.

Шунингдек, соҳада раҳбар ва мутахассисларнинг касбий малакасини мунтазам ошириш, уларнинг замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантириш ҳам тизим самарадорлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Амалда уй-жой мулкдорлари мажбурий тўловларни мунтазам амалга оширади. Бироқ бошқарув сервис компанияси шартнома ёки қонунчиликда белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида ёки сифатли бажармаган ҳолларда



эътибор қаратиш керак.

Менимча, асосий масалалардан бири — бошқарув органларида авария-диспетчерлик хизмати ва аҳоли мурожаатларини қабул қилиш ҳамда уларга тезкор жавоб бериш тизими етарли даражада йўлга қўйилмагани билан боғлиқ.

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси билан ҳамкорликда мониторинг ўтказилиб, 76 та бошқарув органида умуман авария-диспетчерлик хизмати ташкил этилмагани аниқланган.

Бу рақамнинг ўзиёқ жиддий савол туғдиради: авария ёки муаммо юзага келганда аҳоли кимга мурожаат қилади? Ким унинг мурожаатини қабул қилади ва ким тезкор чора кўради?

Шунинг учун гап фақат хизматни ташкил этишда эмас. Унинг ҳақиқатан ҳам ишлаши, мурожаатни қабул қилишдан тортиб, муаммони бартараф этишгача бўлган жараён аниқ йўлга қўйилиши керак.

Пресс-клуб сессиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари соҳага масъул вазирлик ва идоралар мутасаддиларига эътирозли фикрларини билдиришди.

Зокиржон ЗОҲИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

- Янги уй-жойлар қуриляпти, шу билан бирга туманларда йиллар давомида фойдаланиб келинаётган эски кўп квартиралли уйларимиз ҳам бор. Уларнинг ҳар бирига доимий ва сифатли хизмат кўрсатиш талаб этилади.

Менимча, бу ерда муҳим масалалардан бири — бошқарув сервис компаниясининг ҳудудга яқинлиги ва доимий ишлаш тизими. Яъни бошқарув компаниясининг раҳбари ўша ҳудудни, ўша уйларни, улардаги муаммоларни яхши билиши керак. Унинг пайвандчиси, сантехниги, электр тармоқлари мутахассиси каби асосий мутахассислари ҳам шу ҳудудда ёки унга яқин жойда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Чунки муаммо юзага келганда мутахассисни узоқдан кутиш — вақт йўқотиш дегани. Айниқса, қувур ёрилиши, иситиш тизимида авария, электр тармоғида носозлик каби ҳолатларда ҳар бир дақиқа муҳим.

Балким, пойтахтда бу масала қандайдир даражада йўлга қўйилгандир. Лекин туманларда ҳолат бир хил эмас. Айрим ҳудудларда малакали мутахассисларнинг ўзи етишмайди, айрим жойларда эса хизмат кўрсатиш тизими ҳудуднинг эҳтиёжига мос шаклланмаган.



Шунинг учун одамлар муаммо юзага келганда «Мутахассис қаердан келади?» деб кутиб ўтирмаслиги керак. Уста ҳам, масъул ҳам, ечим ҳам аҳолига яқин бўлиши керак. Чунки сифатли хизматнинг биринчи шarti — муаммога яқин бўлиш. Яқин бўлган тезкор бошқарув эса аҳолининг ишончини оширади.

Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

- Оғриқли нуқталаримиздан яна бири — уй-жой мулкдорлари билан бошқарув сервис компаниялари ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг аниқ ва шаффоф йўлга қўйилмагани.

Шартнома масаласи бу ерда жуда муҳим. Чунки мулкдордан маблағ ундириладиган бўлса, аввало, бу тўловнинг ҳуқуқий асоси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ бўлиши керак. Амалда эса шартнома масаласи билан боғлиқ турли саволлар ва низолар учраб турибди.

Яна бир жиҳат — мулкдор тўловни амалга оширмаса, бошқарув сервис компанияси тегишли ҳужжатлар асосида суд орқали ундириш чораларини кўриши мумкин. Аммо аксинча, фуқаронинг бошқарув компанияси билан низоли юзага келганда, унинг кўлида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмаслиги мумкин.

Натижада икки томон ўртасида ишончсизлик ва турли низолар пайдо бўлади.

Шунинг учун шартнома фақат тўловни ундириш воситаси эмас, балки икки томоннинг ҳам ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий кафолат бўлиши керак. Бу масала қанчалик аниқ ва шаффоф йўлга қўйилса, низолар ҳам шунчалик камаёди.

Сессияда аҳоли вакиллари, кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган фуқаролар ўзларини ўйлантираётган муаммолар бўйича мутасаддиларга юзланди.

Исматилла СОБИРОВ,
"Навбаҳор" маҳалла
фуқаролар йиғини раиси:

- Мен ўз ҳудудимиз мисолида бир масалага тўхталмоқчиман. Чилонзор тумани "Навбаҳор" маҳалласида 16 та кўп квартиралли уй бор, ҳозир уларга 3 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. Бошқарув сервис компаниялари ташкил этилганига 4–5 йил тўлган бўлса-да, шу давр мобайнида компаниялардан бири 4 марта ўзгарди. Энг қизиғи, баъзи ҳолатларда бу ўзгаришлардан

“

КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДА ҲАЛ ЭТИЛИШНИН КУТАЁТГАН МУАММОЛАР ОЗ ЭМАС. БОШҚАРИВ СЕРВИС КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН НОРОЗИЛИК, ХИЗМАТ СИФАТИ ПАСТЛИГИ, МАБЛАҒЛАРНИНГ САРФЛАНИШИ БЎЙИЧА ЕТАРЛИ ШАФФОФЛИКНИНГ МАВЖУД ЭМАСЛИГИ, АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ СУСТЛИГИ, АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИГА КЕЧ МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛИШИ КАБИ ҲОЛАТЛАР ОДАМЛАРНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАРИГА САБАБ БЎЛМОҚДА.

биз — маҳалла сифатида ўз вақтида хабардор бўлмай қоляпмиз.

Тўғри, бу жараёнда жамоатчилик назорати бор. Лекин назорат самарали бўлиши учун ахборот ҳам ўз вақтида берилиши керак.

Шу ўринда бир таклифим бор: ҳар бир муҳим йиғилиш, мулкдорлар қарори ёки протокол қабул қилинганда, бу ҳақда маҳаллага ҳам расмий тарзда маълумот бериб бориш механизминини йўлга қўйиш керак.

Чунки маҳаллада бу масалаларга бефарқ бўлмайдиган кенгаш аъзолари, нуронийлар, фаоллар бор. Улар билан биргаликда аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш, муаммоларни жойида муҳокама қилиш мумкин.

Натижада аҳолидаги норозиликни кучайтириш эмас, аксинча, тушунмовчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, тўловлар масаласида ҳам аҳоли билан ишлаш ва ишончни ошириш имконияти пайдо бўлади.

Менимча, маҳалла бу жараёнда четда турадиган эмас, аҳоли билан бошқарув ташкилоти ўртасидаги мулоқотга кўмаклашадиган муҳим жамоатчилик майдони бўлиши керак.

"Мунозара майдони"да хизмат учун ҳақ тўлаш ва албатта, тўловга яраша сифатли хизмат кўрсатиш, фуқаролар, мулкдорлар олдида бошқарув сервис компанияларининг ҳисобдорлигини амалда таъминлаш масаласи қизгин мунозарага айланди.

Сессияда ҳар бир фуқаро мулкдор эканидан келиб чиқиб, ҳисобдорликни қатъий йўлга қўйиш, меъёрий ҳужжатлар ҳамда тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш, маҳаллаларда янги тартиб бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини кенгайтиришга келишиб олинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

НУҚТАИ НАЗАР



ДЕПУТАТЛИК
ФАҚАТ ВАКОЛАТ ЭМАС,
ХАЛҚ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТДИР



Бадриддин НАСРИЕВ,
ЎзХДП Самарқанд вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати.

Маҳаллий Кенгашларнинг фаолияти, аввало, халқни қийнаётган масалаларни аниқлаш, уларни муҳокама майдонига олиб чиқиш ва ижросини назорат қилиш орқали баҳоланиши керак. Бугун маҳаллий Кенгашларнинг ваколати ва масъулияти ортаётган бир пайтда депутатнинг вазифаси ҳам ўзгариб бормоқда. У энди сессияда қарорларни шунчаки маъқулловчи эмас, балки сайловчининг талабини кун тартибига олиб кирувчи, муаммога ечим изловчи ва қабул қилинган қарор натижасини кузатувчи вакил бўлиши зарур.

Самарқанд вилоятида ЎзХДП депутатлари фаолиятига назар ташласак, бу борада муайян амалий натижалар борлигини кўриш мумкин. Хусусан, маҳаллий Кенгашларда 95 нафар депутатларимиз фаолият юритмоқда. 2026 йилнинг ўтган даврида улар томонидан 71 та масала ўрганилиб, 40 таси доимий комиссияларда кўриб чиқилди ва 11 та масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Бу рақамлар муҳим, аммо масаланинг асл моҳияти рақам ортида турган мазмунда. Сессияларда соғлиқни сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, таълим сифати, давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти, ижтимоий ҳимоя, пенсия таъминоти, аҳоли бандлиги ва камбағалликни қисқартириш, уй-жой қурилиши, қишлоқларни комплекс ривожлантириш ҳамда маҳалла тизимини такомиллаштириш каби бевосита инсон манфаатига дахлдор масалалар муҳокама қилинди. Бу йўналишларнинг ҳар бири оддий статистик кўрсаткич эмас.

Унинг ортида сифатли тиббий хизматни кутаётган бемор, фарзандининг яхши таълим олишини истаётган ота-она, уй-жойга муҳтож оила, иш излаётган фуқаро ёки ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд инсонлар тақдири турибди.

МУАММО КЎТАРИЛИШИ
— НАТИЖАНИНГ
БОШЛАНИШИ

Депутатлик фаолиятининг энг муҳим мезони, бизнингча, қанча мажлисда қатнашилгани эмас, балки қанча муаммо амалий ечимга йўналтирилганидир. Самарқанд вилоятида жорий йил давомида депутатларга 646 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 596 таси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, депутатлар томонидан 376 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 313 таси бўйича ижобий натижага эришилган. Бу кўрсаткичлар бир ҳақиқатни кўрсатади: депутатнинг халқ билан мулоқоти қанчалик фаол бўлса, Кенгаш минбарига олиб чиқиладиган масалалар ҳам шунчалик ҳаётий бўлади.

“
ДЕПУТАТЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ ЭНГ
МУҲИМ МЕЗОНИ,
БИЗНИНГЧА,
ҚАНЧА МАЖЛИСДА
ҚАТНАШИЛГАНИ
ЭМАС, БАЛКИ
ҚАНЧА МУАММО
АМАЛИЙ ЕЧИМГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАНИДИР.

СЕССИЯ ҚАРОРИ
ИЖРОСИ МУҲИМ

Буни айрим туманлардаги амалий мисоллар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Иштихон туманида уй-жой қурилиши соҳасидаги ишлар ўрганилиб, масала Кенгаш сессиясида муҳокама қилинган. Натижада 2026 йилда қурилиши бошланган 9 та 180 хонадонли ҳамда 3 та 120 хонадонли уй-жойларни белгиланган мuddатларда

фойдаланишга топшириш, реновация ва янги қурилиш лойиҳаларини босқичма-босқич амалга ошириш, қурилиш сифати ва шаффофлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Бу ерда депутатлик назоратининг моҳияти яққол кўринади: муаммо ўрганилди, сессияга олиб чиқилди, муҳокама қилинди ва масъул ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Пахтачи туманида эса ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилди. Хусусан, муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш, ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парварिश хизматларини ташкил этиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди. Қарорда туман Кенгаши депутатларига ҳам ўз сайлов ҳудудларида ижтимоий масалалар юзасидан доимий депутатлик назоратини олиб бориш вазифаси юклатилгани эътиборлидир. Демак, Кенгаш сессияси — муаммо қайд этиб қўйиладиган жой эмас. У муаммони масъулиятга, масъулиятни эса натижага айлантириши керак.

АСОСИЙ МЕЗОН —
ИНСОН МАНФААТИДИР

Бугун Самарқанд вилоятида маҳаллий Кенгашлар олдида катта вазифа турибди. Ҳудудлар ривожланаётган, янги лойиҳалар амалга ошириладиган бир пайтда депутатлик назорати ҳам янги мазмун билан бойиши керак. ЎзХДП депутатлари учун бу, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатини ҳимоя қилиш, бандлик ва даромад масалаларини доимий эътиборда тутиш, таълим ва тиббиёт сифатига бефарқ бўлмаслик, маҳаллалардаги муаммоларни жойида ўрганиш ва уларнинг ечимини таъминлаш демакдир. Чунки маҳаллий Кенгашларнинг ҳақиқий кучи унинг мажлислар залида эмас, қабул қилган қарорлари одамлар ҳаётида сезилганда намоён бўлади. Шу маънода, бугунги депутат олдида оддий, аммо жуда масъулиятли вазифа турибди: халқнинг овозини эшитиш, уни Кенгаш минбарига олиб чиқиш ва қарорни натижага айлантириш. Зеро, халқ манфаатини ифода этмаган сессия — оддий йиғилиш, натижа бермаган қарор эса шунчаки ҳужжатдир.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ:
ИЖТИМОИЙ АКЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 63 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилади. Уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан “Имконият чекланмаган” ижтимоий акцияси ўтказилди.

Мазкур тadbирдан кўзланган асосий мақсад ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тасвирий, амалий санъат ҳамда хунардмандчилик йўналишидаги ижодини кенг жамоатчиликка намоиш этишдир.

Тadbир доирасида ногиронлиги бўлган фуқаролар томонидан яратилган қўл меҳнати маҳсулотлари, амалий санъат намуналари, тасвирий санъат асарлари ҳамда хунардмандчилик ишлари кўргазмаси, ким ошди савдоси ҳам ташкил этилди.



БУХОРО:
1,5 КИЛОМЕТР ИЧКИ ЙЎЛ АСФАЛТ
ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари Жондор тумани Кенгаши депутати Б.Юсупов ташаббуси билан “Намгони” маҳалласи ҳудудидаги 1,5 километр автомобиль йўли асфальтлаштирилди.

Мазкур ишлар маҳалла аҳолисининг узоқ йиллик мурожаатлари асосида амалга оширилиб, йўл инфратузилмасини яхшилаш, транспорт қатнови қулайлигини ошириш ҳамда фуқаролар учун хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратишга хизмат қилади. Депутат томонидан ҳудудларни ободонлаштириш ва сайловчилар манфаатларини таъминлаш борасидаги амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.



НАМАНГАН:
ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ИЖРОСИ
ЎРГАНИЛДИ

Давлат инвестиция дастури доирасида Чортоқ туманидаги “Пешқўрғон” маҳалласи учун жами 7 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, йўл инфратузилмасини яхшилаш, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, саломатлик йўлакчасини барпо этиш, ариқларни лотоклаш ҳамда тик қудуқ қазииш ишлари олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлари Ф.Баҳодиров ва Б.Отамирзаевлар дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ижросини ҳамда “Пешқўрғон” маҳалласида олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишларини ўрганди.

Ўрганиш давомида қурилиш ишларини лойиҳа ва сифат талабларига мувофиқ амалга ошириш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда объектларни белгиланган мuddатларда фойдаланишга топшириш юзасидан масъулларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.



ФАРҒОНА:
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҲОЛАТИ
ҚАНДАЙ?

Халқ депутатлари Бешариқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутати Жаҳонгир Мадаминов томонидан тумандаги 43-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш давомида тарбияланувчилар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари захираси, уларнинг сақланиш ҳолати ҳамда болаларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва белгиланган талабларга мувофиқлиги кўздан кечирилди.

Шунингдек, ташкилотда болаларнинг соғлом овқатланиши учун яратилган шароитлар, озиқ-овқат таъминоти тизими ҳамда бу борадаги ишларнинг ташкил этилишига эътибор қаратилди. Аниқланган муаммолар юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.



ФАХР



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси.

Мамлакатимизда миллий кадриятларни асраш, тарихий хотирани уйғотиш ва маънавий-маърифий соҳани тубдан янги босқичга олиб чиқиш борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, кейинги йилларда маънавиятни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучга, ислохотларнинг энг таъсирчан ва қудратли қуролига айлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Бугун Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, халқ манфаатларини таъминлаш ва маънавий тараққиётни мустаҳкамлаш давлатимиз мустақиллигининг бош кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Президентимизнинг “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деган чуқур маъноли, фалсафий концепцияси юртимиздаги барча янгиланишларнинг туб мазмун-моҳиятига айланди. Мазкур улугвор ғоя мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётбахш кучини ифода этади. Иқтисодий ва технологик тараққиёт қанчалик муҳим бўлмасин, у маънавий баркамоллик, инсоний фазилатлар ва миллий кадриятларга таянмаса, жамиятда барқарор юксалишни ҳамда келажак авлод

МАЪНАВИЯТ

– ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ

осойишталигини таъминлай олмайди.

Миллий кадриятлар — халқнинг қўп асрлик тарихи, урф-одатлари, анъаналари, она тили, муқаддас дини, бой маданияти ва маънавий меросини ўзида мужассам этган бекиёс бойлиқдир. Буюк аждодларимиз ҳам жамият ва давлат тараққиётида маънавиятнинг ҳал қилувчи ўрнига алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий: “Инсон камолоти жамият камолоти билан чамбарчас боғлиқдир”, дея таъкидлаган бўлса, сўз мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий: “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами”, деб инсонпарварлик, эл-юрт дарди билан яшаш ва жамият олдидаги масъулият ғояларини юксак даражага кўтарган.

Янги Ўзбекистонда ана шу буюк маънавий мерос давлат ва жамият тараққиётининг муҳим таянчи сифатида намоён бўлмоқда. Кейинги йилларда юртимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида ёт ғояларга қарши мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар фақат тарғибот ва тадбирлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Маънавий-маърифий муҳитни яхшилаш, айниқса, ёшларни китоб, илм ва ижодга кенг жалб этишга қаратилган лойиҳалар тобора оммавий ва тизимли тус олмоқда. Жумладан, “Ёш китобхон” танлови орқали 2017–2025 йиллар давомида 4,7 миллиондан ортиқ ёшлар бадиий тафаккур ва салоҳиятини синондан ўтказди. “Мутлоаа”

лойиҳаси доирасида эса 3 миллион нафар ёш қамраб олиниб, 1 827 та аудио ва 2 382 та электрон китоб яратилган. Бу рақамлар китобхонлики оддий маърифий тадбирдан ёшларнинг кундалик интеллектуал эҳтиёжига айлантиришга қаратилган ёндашув шаклланаётганини кўрсатади.

Айниқса, китобхонлики оила муҳитига олиб киришга қаратилган ташаббуслар эътиборга молик. “Ёш китобхон оила” танлови бу борада ота-онанинг шахсий намунаси ва

“

МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРНИ АСРАШ, ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ УЙЎТИШ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИ ТУБДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ БОРАСИДА АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ.

оилавий мутлоаанинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда. 2025 йилги мавсумда танловда 96 мингдан ортиқ ёш оила иштирок этгани, 2026 йил март ойида эса

республика босқичи ғолиблари тақдирлангани лойиҳанинг кенг жамоатчиликка сингиб бораётганидан далолат беради.

Китобларнинг мазмун ва сифат жиҳатидан бойитилаётгани ҳам муҳим. “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси доирасида жаҳоннинг сара илмий-оммабоп асарларини ўзбек тилига таржима қилиш йўлга қўйилди. 2025 йилда 27 номдаги китоб 81 минг нусхада чоп этилиб, олий таълим муассасалари, кутубхоналар ва бошқа таълим муассасаларига етказилди. 2026 йилда яна 60 та китобни ўзбек тилига таржима қилиш режалаштирилган. Бу ташаббус ёшларнинг миллий адабиёт билан бир қаторда замонавий илм-фан ва жаҳон тафаккури намуналаридан баҳраманд бўлиши учун имкониятларни кенгайтирмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, китобхонликини тарғиб қилиш усуллари ҳам замон талабларига мослашмоқда. “Китоб қарвони” каби ташаббуслар орқали китоблар мактаб, кутубхона ва маҳаллаларга етказилмоқда, электрон ва аудио форматлардан фойдаланиш кенгаймоқда. Айрим ҳудудларда эса уюшмаган ёшларни ҳам жараёнга жалб этиш мақсадида “Сайёр кутубхона”, китоб тақдимотлари, адабий кечалар ва мутлоаа мусобақалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, маънавий-маърифий ишларнинг мазмунини янгилаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга ҳам эътибор кучаймоқда. 2025 йилдан давлат идораларида маънавий-маърифий ишлар ҳолатини аниқ мезонлар асосида баҳолаш, уларнинг натижадорлигини рейтинг орқали таҳлил қилиш бўйича тақлифлар илгари сурилди. Бу эса маънавият соҳасидаги ишларни фақат ўтказилган тадбирлар сони билан эмас,

балки уларнинг инсон онги, дунёқараши ва хулқ-атворида таъсири билан баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Бугунги ахборот маконида ёшларни турли ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли фақат тақиқ ёки чекловлар эмас, балки уларда мустақил фикрлаш, ахборотни таҳлил қилиш, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш ва миллий кадриятларга таянган ҳолда ўз позициясини шакллантириш кўниммасини ривожлантиришдир. Шу маънода, китобхонлик, сифатли таълим, миллий тарих ва маданий меросни чуқур ўрганиш, оила ва маҳалла муҳитидаги тарбияни кучайтириш бир-бирини тўлдирувчи ягона тизим сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мустақилликнинг қутлуғ 35 йиллик байрами остонасида халқимизнинг асрий орзу-армонлари, бой маънавий мероси ва миллий кадриятлари асосида Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида эришилаётган тарихий ютуқлар ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз ифтихор ва юксак фуқаролик масъулиятини уйғотмоқда. Бугун олдимизда турган улугвор вазифаларни бажариш ва глобал таҳдидларга қарши туришда маънавият энг енгилмас кучимиз бўлиб қолади. Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги тез ўзгараётган дунёда ким ютади? Маънавий жиҳатдан уйғок, ўз миллий манфаатини, миллий кадриятларини қатъий ҳимоя қила оладиган халқ ютади. Миллий кадриятлар барқарор, маънавий ҳаёт юксак бўлган жамиятда ҳамisha тинчлик, тараққиёт, миллатлараро тотувлик ва умумий фаровонлик бардавом бўлаверади. Бу йўлда фидокорона меҳнат қилиш эса ҳар бир зиёлининг, маънавият тарғиботчисининг муқаддас бурчидир.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

МУСТАҚИЛЛИК, ИСЛОҲОТ ВА МУШТАРАК ФИКРЛАР



Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрами яқинлашаётган бугунги кунларда орқага назар ташласак, жуда катта йўлни босиб ўтганимизни кўрамиз. Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихан қисқа вақт ичида иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётда улкан ютуқларга эришди.

Энг муҳими, кейинги йилларда олиб борилаётган очик ва дўстона ташқи сиёсат туфайли қўшни давлатлар билан алоқаларимиз мутлақо янги босқичга чиқди. Марказий Осиёда тинчлик ва бирдамлик муҳити яратилди.

Пойтахтимизда “Мустақил Ўзбекистон – 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзусида бўлиб ўтган йирик халқаро анжуманда шулар хусусида сўз борди. Мазкур тадбирда Беларусь, Озарбайжон, Грузия, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Қирғизистон каби давлатлардан парламент вакиллари, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда экспертлар ҳамжамияти иштирокида Ўзбекистоннинг 35 йиллик тараққиёт тажрибаси юзасидан фикр алмашилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар юртимиздаги янгиланишларга жуда юқори баҳо берди. Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг, қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг марказида инсон қадри ва унинг манфаати устуворлиги турибди. Яъни, давлат иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқларини



ҳимоя қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий тенгликни таъминлашни бош мезон қилиб олган. Бу жараёнда халқ сайлаган депутатларнинг, парламентнинг ҳам роли кучаймоқда. Эндиликда парламент шунчаки қонун чиқарадиган идора эмас, балки ижронга назорат қиладиган, ғояларни ҳаётга татбиқ этадиган ҳақиқий кучга айланмоқда.

Бугун тез-тез тилга олинаётган «Парламент дипломатияси» — бу халқ вакиллари бўлган депутатларнинг халқаро миқёсда дўстлик қўпригини қуришидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Нуриддин Исмоилов урғу берганидек, бугунги замон депутатлари фақат ички қонунлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Анжуманда Ўзбекистоннинг қўшни

давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб, парламентлараро алоқалар изчил ривожланаётгани, халқаро ва минтақавий ҳамкорлик соҳасидаги тажрибаси эътироф этилди.

Хусусан, тожикистонлик вакил Гулзода Махмадшо Ўзбекистоннинг очик ва прагматик сиёсати туфайли бир-бирига қардош икки эл ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланганига эътибор қаратди. Унинг айтишича, бугун Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида янги давр кузатилмоқда, савдо-сотиқ ривожланипти, янги транспорт йўллари очилмоқда, маданий тадбирлар ўтказилипти. Давлат раҳбарлари орасидаги бу ишонч, табиийки, энди икки давлат депутатларига ҳам катта масъулият юклайди. Улар икки давлат ўртасида имзоланган шартномалар ҳаётда қандай ишлаётганини ўрганиб бориши, оддий одамларга фойда келтиряптимиз-йўқми — шунга назорат қилиши лозим. Бундан ташқари, экология (масалан, сув муаммолари), транспорт, савдо ва рақамли технологиялар соҳасида икки давлат депутатлари биргаликда иш олиб бориши керак.

Анжуманнинг катта ютуғи — «Парламентлараро ҳамкорлик бўйича Тошкент декларацияси» номи тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши бўлди. Мазкур ҳужжат иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суриш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди.

“

ХУСУСАН, ТОЖИКИСТОНЛИК ВАКИЛ ГУЛЗОДА МАХМАДШО ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЧИҚ ВА ПРАГМАТИК СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ БИР-БИРИГА ҚАРДОШ ИККИ ЭЛ ЎРТАСИДАГИ ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНГАНИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ.

Умуман олганда, “Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини ҳолис ва илмий асосда таҳлил қилиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқаро ҳамжамиятга кенгроқ етказиш ҳамда истиқболдаги вазифалар юзасидан муштарак фикрларни шакллантириш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

БУ ДОЛЗАРБ!



ЭРКИНЛИК ВА ОЗОДЛИК – БЕНАЗИР ҚАДРИЯТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Тахлиллар одам савдоси қурбонларининг фақат ҳар ўн нафаридан бири аниқланиб, тегишли ёрдам олиши, қолганларнинг тутқинлиги ва келгуси ҳаёти мавҳум бўлиб қолишини кўрсатади. Ачинарлиси, замонавий қўллик қурбонларининг 71 фоизини аёллар ва қизлар ташкил этади. Аниқланган қурбонларнинг тахминан 38 фоизи эса болалардан иборат. Ушбу кўрсаткич коронавирус пандемиясигача бўлган даврга нисбатан, яъни сўнгги беш йилда 31 фоизга ошган.

Глобал статистика одам савдоси ва мажбурий меҳнат «қора қучлар» учун йилига тахминан 236 миллиард АҚШ доллари миқдорида конюнуний даромад келтиришини кўрсатмоқда. Бу жаҳондаги Walmart, Visa, Amazon, Google ва Apple каби йирик компанияларнинг йиллик умумий фойдасидан ҳам кўпроқдир.

Мана шу фактнинг ўзиёқ бугун одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ҳар бир давлат учун қанчалар машаққатли эканига ишора беради.

Жиноят қурбонлари – бу миллионлаб жисман ва руҳан парчаланган тақдирлардир. Қишлоқдан пойтахтга иш излаб келган жувоннинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати “сақлаш учун” олиб қўйилиб, ҳатто эшикдан чиқишига йўл қўйилмасдан тутқунликда ушлаб турилиши, жинсий эксплуатация қилиниши, ижтимоий тармоқдаги “хорижда юқори маошли иш” эълонига ишониб борган йигитнинг оғир меҳнат шароитларида ҳақ-ҳуқуқсиз ишлашга мажбурланиши, виртуал танишган хорижликка турмушга чиққан қизнинг мусофир ўлкада эрксиз, инсон зоти чидаши мумкин бўлмаган азорларга маҳкум этилиши — бугун булар ҳақида доим эшитяпмиз, ўқияпмиз, ҳатто ён-веримизда бундай аччиқ қисматларга рўбарў ҳам келяпмиз. Ана шундай тақдир эгаларини бирлаштириб турадиган жиҳат шуки, улар фақат ва фақат яхши ҳаёт умидида йўлга чиққан эди...

Дарҳақиқат, одам савдоси нафақат жиноятчилик, балки иқтисодиёт, меҳнат бозори, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва инсон ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ муаммодир. Шу боис дунё давлатлари бугун бу масалага фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида ёндашмоқда.

ЯНГИ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Сўнгги йигирма йил ичида халқаро ҳуқуқда одам савдосига қарши кураш фалсафаси тубдан ўзгарди. Илгари асосий эътибор жиноятчини аниқлаш ва жазолашга қаратилган бўлса, ҳозирги босқичда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Бу ўзгаришнинг ҳуқуқий асосини 2000 йилда қабул қилинган БМТнинг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи Палермо протоколи ташкил этди. Мазкур ҳужжатлар одам савдосига

қарши курашнинг учта устунини белгилаб берди: жиноятнинг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларни жамиятга қайта интеграция қилиш. Энг муҳими, халқаро ҳуқуқ биринчи марта жабрланувчини жиноят ишининг иштирокчиси эмас, давлат ҳимоясига муҳтож шахс сифатида тан олди.

Бу ёндашув кейинчалик Европа Иттифоқининг “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда жабрланувчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Директивасида, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада, Япония ва Жанубий Корея қонунчилигида ҳам мустаҳкамланди. Қатор давлатларда одам савдоси жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимиятлар, ижтимоий хизматлар, тиббиёт муассасалари ва нодавлат ташкилотлар зиммасига ҳам аниқ вазифалар юкланди. Фақат айбланувчиларга нисбатан муқаррар жазони оғирлаштириш билангина эмас, балки ҳимояга муҳтож инсонларни эрта аниқлаш ва уларга тезроқ зарур ёрдамларни кўрсатиш орқали замонавий қўлликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мумкинлиги жаҳон тажрибасида ўз тасдиғини топа бошлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА...

Ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда одам савдоси билан боғлиқ жами 177 та ҳолат қайд этилган. Шундан 92 тасини жинсий эксплуатация жинояти ташкил қилса, қолганлари меҳнат эксплуатацияси ва чақалоклар савдоси билан боғлиқ бўлган.

Расмийлар сўнгги йилларда мамлакатимизда одам савдоси ҳолатлари сони камайиш тенденциясига эга эканини айтмоқдалар. Бу яхши, албатта. Зотан, Ўзбекистон мазкур соҳада изчил ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириб келаётган давлатлар сирасига қиради.

Конституциямизда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида таъсирдаги жамиятнинг нотўғри муносабатидан ҳайиқар, истиҳола қилар, бошқалари ўз ҳуқуқлари бузилганини англамас, яна бошқалари расмий мақоми аниқлангунга қадар ижтимоий хизматлардан тўлиқ фойдалана олмасди. Кўрсатиладиган хизматлар ҳам турли идоралар ўртасида тарқоқ ҳолда ташкил этилган — ҳуқуқий ёрдам бир

жойда, психологик хизмат бошқа жойда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш эса алоҳида тизим орқали амалга оширилар эди.

Айнан шу эҳтиёжлар мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш тизимини янги босқичга олиб чиқишни тақозо қилди. Шундай қилиб, жорий йилнинг 3-августида давлат раҳбари томонидан “Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларни жамиятга интеграция қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

— Фармоннинг асосий хусусияти шундаки, у янги комиссиялар ёки маъмурий тартибларни кўпайтириш эмас, давлатнинг бутун ёндашувини ўзгарилишини назарда тутди, — дейди ҳуқуқшунос Руслан Муҳаммадиев. — Илгари асосий эътибор жиноят оқибатларини бартараф этишга қаратилган бўлса, эндиликда жабрдийда инсонни эрта аниқлаш, унинг ҳуқуқларини тиклаш, ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш ва муносиб ҳаётга қайтариш давлат сиёсатининг марказига чиқмоқда.

“АВВАЛ ҲИМОЯ, KEYIN РАСМИЙЛАШТИРИШ”

Ҳамсуҳбатимиз Р. Муҳаммадиевнинг айтишича, юқорида келтирилган фармоннинг энг муҳим ангилликларидан бири — бу жабрланган шахсларни барвақт идентификация қилиш тизимининг жорий этилишидир. Яъни, давлат аввал инсонни ҳимоя қилади, кейин унинг ҳуқуқий мақомини расмийлаштиради. Илгари шахс расман жабрланган деб эътироф этилгунга қадар вақт ўтар, шу давр ичида у психологик босим, кўркув ёки иқтисодий муҳтожлик сабабли яна жиноий муҳит таъсирига тушиб қолиш хавфи остида қолар эди.

Энди эса, агар муайян шахс одам савдосидан жабрланган бўлиши мумкинлиги ҳақида асосли маълумот келиб тушса, у дарҳол давлат ҳимоясига олинади. Буни халқаро ҳуқуқда кенг қўлланиладиган “аввал ҳимоя, кейин расмийлаштириш” тамойилининг миллий қонунчиликдаги амалий ифодаси, дейиш мумкин.

Мазкур жараёнда ижтимоий хизматлар тизими марказий ўринни эгаллайди. Илгари асосий вазифалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига юклатилган бўлса, эндиликда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳам дастлабки идентификация жараёнининг тўлақонли иштирокчисига айланади. Чунки одам савдоси қурбони, аввало, жиноят ишининг объекти эмас, балки ижтимоий ҳимояга муҳтож инсондир. У учун биринчи ўринда тергов-суриштирув ҳаракатлари эмас, хавфсиз муҳит, тиббий ёрдам, психологик қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий маслаҳат ҳаммасидан муҳимроқ.

— Эндиликда амалиётга яна бир янги институт — жабрланган деб тахмин қилинган шахс учун вақтинчалик ҳуқуқий мақомнинг

стратегиясининг бир қисми, десак янглишмаймиз.

Шу билан бирга фармон хорижда меҳнат қилаётган ёки меҳнат қилиш учун чиқиб кетаётган фуқаролар учун ҳам янги кафолатларни назарда тутди — дипломатик ваколатхоналар ҳузурида ва халқаро аэропортларда миграция маслаҳат хизматлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Экспертлар мазкур амалиёт халқаро тажрибада ўз самарасини берганини, хусусан, Жанубий Корея, Филиппин ва Индонезия каби мамлакатларда миграциядан олдин ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими минглаб инсонларни қалбаки иш тақлифлари, эксплуатация, алаоқиқабат одам савдосидан асраб қолганини алоҳида эътироф этадилар.

РЕИНТЕГРАЦИЯ — ТЎЛИҚ ҲАЁТГА ҚАЙТИШ ЙЎЛИ

Одам савдосидан жабрланган шахсларни жамиятга интеграция қилиш бўйича амалиётга киритилаётган янги ёндашувлардан шундай тўхтамга келиш мумкинки, эндиликда бу жиноят қурбонига фақат вақтинчалик бошпана ёки ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш эмас, уни тўлиқ ҳаётга қайтариш давлат сиёсатининг олий мақсадига айланмоқда.

Реинтеграция тушунчаси кенг маънога эга: у психологик ҳолатни тиклаш, соғлиқни яхшилаш, ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш, касб-хунарга ўқитиш, меҳнат бозорига чиқариш, доимий даромад манбаи яратиш ва, энг муҳими, инсоннинг жамиятга ўз ўрнини қайта топишини таъминлашни қамраб олади. Бинобарин, халқаро тажрибалардан аёнки, тизимли реинтеграция ишлари олиб борилмаган давлатларда жабрланувчиларнинг қайта эксплуатацияга тушиб қолиш ҳолатлари тез-тез кузатилади.

Одам савдоси битта идора ҳал қилиши мумкин бўлган муаммо эмас — у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ижтимоий ҳимоя тизими, меҳнат муносабатлари, соғлиқни сақлаш, таълим, миграция, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг мувофиқ ҳаракатини талаб қилади. Президент фармонида айнан шу иштирокчиларнинг вазифалари ягона мақсад атрофида уйғунлаштирилган.

— Алоҳида эътибор болалар ҳуқуқларига қаратилган, — дейди иккинчи даражали адлия маслаҳатчиси Шахноза Одинаева. — БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, боланинг энг устувор манфаатларини таъминлаш давлатнинг асосий вазифасидир. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаганлар билан ишлашда уларнинг ёши, руҳий ҳолати ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда махсус ёндашувлар қўлланилиши назарда тутилмоқда. Чунки болаликда олинган психологик жароҳат ўз вақтида бартараф этилмаса, инсоннинг бутун ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Одам савдосининг оқибатлари жабрланувчи шахс учун ҳам, жамият учун ҳам жуда оғир бўлади. Жисмоний зўравонлик, руҳий жароҳатлар, ижтимоий стигма ва иқтисодий қарамлик жабрланувчиларнинг ҳаётини бутунлай издан чиқаради. Қўнчилик жабрланувчилар ҳатто озод бўлганидан кейин ҳам жамиятга қайтишда катта қийинчиликларга дуч келадилар — уят, стигма ва ижтимоий мослашув муаммолари уларни узоқ вақт таъбиқ этади.

Бугун одам савдосига қарши курашиш фақат Жиноят кодекси нормаларини қатъий қўллаш билан кифояланадиган муаммо бўлмай қолди. Бу, аввало, инсон ҳуқуқларини тиклаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва давлатнинг ҳар бир фуқаро олдидagi масъулиятини амалда намоён этиш масаласидир.

Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларни жамиятга интеграция қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир фармон бу соҳада ижтимоий хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиб, идоралараро ҳамкорликни кенгайтиришга, профилактика ишлари самарадорлигини оширишга, янада аҳамиятлиси, инсоннинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ҲАМКОРИМИЗ

“АГРОБАНК” МАҲАЛЛАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН ЯНГИ ЁНДАШУВНИ СИНАБ КЎРМОҚДА



Бугунги кунда тижорат банклари маҳаллаларни ривожлантириш учун фақат кредит ажратиш билангина эмас, балки аниқ иқтисодий моделлар асосида ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада маҳаллалар инсонлар дарди эшитиладиган, ташаббуси қўллаб-қувватладиган, оилавий тадбиркорликка йўл очиладиган, янги иш ўринлари яратиладиган ва аҳоли фаровонлиги таъминланадиган муҳим ижтимоий-иқтисодий масканга айланмоқда. Маҳаллада фаолият юритаётган масъулларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ошириш, уларни замонавий банк хизматлари билан яқиндан таништириш чора-тадбирлари ҳам изчиллик касб этаётир.

Шу нуқтаи назардан “Агробанк” АТБ ташаббуси билан Жиззах вилоятининг Бахмал туманида “Долзарб 40 кунлик” доирасида маҳаллаларни ривожлантиришга бағишланган амалий семинар ташкил этилди. Унда Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан ҳоким ўринбосарлари, бандлик соҳаси раҳбарлари, тижорат банклари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда “Agrostar” компаниялари вакиллари иштирок этди. Семинарда маҳаллаларнинг ички имкониятларини ишга солиш, иш ўринлари яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги ёндашувлар тақдим қилинди. Жумладан, эндиликда маҳаллаларни ихтисослаштириш, “таянч маҳалла” ва “ихтисослашган маҳаллалар кластери” моделлари асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, “Agrostar” компаниялари билан ҳамкорликда “етиштириш – қайта ишлаш – саклаш – қадоқлаш – сотиш” занжирини шакллантириш орқали қўшимча қиймат яратиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадлари

кўзда тутилмоқда. Бундай ёндашув ҳар бир маҳалланинг имкониятидан келиб чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу илғор тажрибаларни бошқа ҳудудларда ҳам самарали жорий этиш механизмларини такомиллаштириш айна мудидадир. Тадбир иштирокчилари Бахмал тумани “Гулбулоқ” таянч маҳалласига ташриф буюрдилар. Бугунги кунда “Гулбулоқ” МФЙ туманининг иқтисодий салоҳияти юқори ва камбағаллик даражаси энг паст ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда иштирокчиларга аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар амалий мисоллар асосида намоёйиш этилди. Бундан ташқари, семинар доирасида “Baxmal Agrostar” МЧЖ фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди. Туманининг “Мўғол” қишлоғида 40 сотих майдонда интенсив усулда

парваришланаётган, 1 минг 550 туп олма дарахтидан иборат боғ иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ташриф давомида мутахассислар анъанавий ва замонавий боғдорчилик усулларининг ўзига хос жиҳатлари, интенсив боғларни парваришлаш ва юқори ҳосилдорликка эришиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот бердилар. Яна шуни айтиш мумкинки, туманда “Агробанк” АТБ ва “Baxmal Agrostar” ҳамкорлигида “Ойқор” маҳалласидаги 20 гектар майдонда Франция тажрибаси асосида интенсив олма боғи ҳам ташкил этилган. Шу билан бирга, “Ўзунбулоқ” массивида ҳам 10 гектарлик замонавий кўчатхона ташкил этилиб, экспортбоп навлар пайвандланмоқда. Бу ерда 470 минг донa сертификатланган, вируслардан холи, юқори сифатли кўчат етиштирилиб, аҳолига мақбул нархларда етказиб берилади. Тадбир якунида таъкидланганидек, “Долзарб 40 кунлик” доирасида маҳаллаларни ривожлантириш

ишлари янада жадаллашмоқда. Мазкур жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, республика ташкilotлари ҳамда “Агробанк” АТБ ҳамкорлигида ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий банк хизматларидан фойдаланишни билиш – бу фақат қулайлик эмас, балки инсоннинг ўз маблағини ҳимоя қилиши, молиявий хавфсизлигини таъминлаши ва янги имкониятлардан унумли фойдаланиши учун ҳам муҳим омилдир. Шу боисдан, ташкил этилган семинар давомида назарий маълумотлар билан чекланиб қолинмай, иштирокчиларга ҳаётий мисоллар асосида амалий тушунчалар берилди. Банк хизматларини аҳолига етказишнинг ўзига хос “таянч маҳалла” ва “ихтисослашган маҳаллалар кластери” моделларини янада такомиллаштириш масалаларига диққат қаратилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.



ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Сурхондарё – иссиқ иқлимли воҳа. Бу ерда қиш фасли илиқ келса, ёғинли кунлар кам бўлади. Шундай шароитда воҳа миришкорлари ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам 10-15 сотих ердан 60-70, ҳатто, 100-120 миллион сўмгача даромад олаётган омилкорларни истаганча топиш мумкин.

Шўрчи туманидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Холбой Қурбонов ҳам ана шундай кўпқиррали замондошларимиздан бири. Деҳқончилик, паррандачилик, чорвачилик ва боғдорчилик ҳадисини олган эл кайвониси эзгу ишларга эш, ташаббусларга бош бўлаётгани таҳсинга сазовор. – Жаннатмонанд ва беназир ўлкамиз бор, – дейди Холбой Қурбонов мамнунлик билан. – Ер, сув, ҳаво – бари кўнгилдагидек. Бебаҳо бойлик ҳисобланади улар биз учун. Фақат чин юракдан ва ҳалол меҳнат қилинса, бас. Рўзгорлар обод, дастурхонлар тўкин, кўнгиллар хотиржам, ҳаётимиз фаровон бўлиши табиий. Биласизми, ҳар кимнинг ўзига хос қизиқишлари бўлади. Мўъжизаларга ошно тутинган инсонлар жуда кўп орамизда. Ер билан тиллашадиган ошўфта қалб эгаларини истаганча топса бўлади. Томорқачилик том маънода ҳаётим мазмунига айланган. Ўттиз тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт экилган боғимиз бор. Помидор, бодиринг, бақлажон, картошка, булғор қалампир,

ШЎРЧИДА 40 КИЛОЛИК
ОШҚОВОҚ ЕТИШТИРИЛДИ



ловия парваришига қизиқаман. Айниқса, қовун, тарвуз, ҳандалак ва ошқовоқ етиштиришга иштиёқим бандан. Кўп йиллик анъанага содиқ қолган ҳолда, жорий йилнинг эрта баҳорида мўъжазгина жойда бир неча “уя” қовоқ уруғини қадагандим. Сув тараш дейсизми, бегона ўтдан тозалашми, ҳамма-ҳаммасини кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилдим. Мавсумда эса кўзлангандан ҳам мўл ҳосил етилди. Сарик, қизғиш-сарик, тўқ сарик рангдаги ошқовоқларни кўрган кишининг ҳаваси келиши табиий. Уларнинг катталигини айтмайсизми? Энг йириги

ва энг сараси тарозига қўйилганда 40 килодан ортиқ тош босди. Киши кучоғига аранг сиғади. Баландлиги ярим метрдан зиёдрок. Буни кўрган таниш-билишлар, қўшилар лол қолди. – Бир неча йил олдин ҳам баҳайбат ошқовоқ етиштирган экансиз, – савол бераман сўхбатдошимизга. – Ҳа, шундай бўлганди, – давом этади Холбой Қурбонов мамнунлик билан. — Ўшанда, яъни, 2022 йилнинг ёз ойида мўъжизакор неъмат 36 кило-ю 193 грамм чиққанди. Бу йил эса рекорд яна янгиланди – 40 килодан ошди. – Энг йиригидан таом тайёрланса... – Тахминан 130-150 коса шўрва чиқса керак, – дейди Холбой ота ҳозиржавоблик билан. – Бир томонда мевали дарахтлар, сўл тарафда экин-тикин, қуйироқда эса палак баравж ривожланаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Хўш, даромад қандай бўлаяпти? – Ҳаммаси кўнгилдагидек, – хуш кайфиятда жавоб беради замондошимиз. – Томорқачилик – ҳақиқий маънода бойлик манбаи экан. Меҳнатга яраша манфаат бўляпти. Шинам уй-жойлар қурдик, замонавий машиналар олдик, тўйлар қияпмиз. Бориға ва бариға шукр...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

СПОРТ

Юнон-рум кураши:
ҚУВОНЧБЕК ИСМОИЛОВ
ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Словакиянинг Братислава шахрида спорт курашлари бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакили Қувончбек Исмоилов 63 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Спортчимиз финал баҳсида россиялик Салим Кармаховга қарши гиламга чиқди. Кескин ва муросасиз кечган беллашувда вакилимиз 9:7 ҳисобида ғалаба қозониб, жаҳон чемпиониға айланди. Қ.Исмоиловға Бирлашган кураш дунёси (UWW) Президенти Ненад Лалович томонидан чемпионлик камари (World Championship Belt) тантанали равишда топширилди.

Футбол:
ЎЗБЕКИСТОН
СУПЕРЛИГАСИ ИЛК БОР
ХОРИЖДА НАМОЙИШ
ЭТИЛАДИ



“Пахтакор” клуби матбуот хизматининг маълум қилишича, Тошкентнинг “Пахтакор” клуби иштирокидаги Ўзбекистон суперлигаси учрашувлари эндиликда Ироқда ҳам намоёйиш этилади. Ироқнинг “Al Rabia Sports” телеканали “Пахтакор”нинг чемпионат ўйинларини трансляция қилиш ҳуқуқини қўлга киритган. Маълумот учун, Ироқ оммавий ахборот воситаларида ушбу қарор “Пахтакор” сафида мамлакат терма жамоаси футболчилари Айман Ҳусайн, Башар Ресан ва Зайд Таҳсин тўп сураётгани билан ҳам изоҳланмоқда. Шу сабаб Тошкент клубининг учрашувларига ироқлик футбол муҳлисларининг қизиқиши ошгани қайд этилган.

ОЧЛ-2:
“НАСАФ”НИНГ
РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ
БЎЛДИ



Малайзиянинг Куала-Лумпур шахридаги Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) чемпионлар лигаси-2 мусобақаси учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада Ўзбекистон шарафини Қаршининг “Насаф” клуби ҳимоя қиладиган бўлди. Қуръа натижаларига қўра, “Насаф” клуби жамоаси А гуруҳидан жой олди. Ушбу гуруҳда футболчиларимиз БААнинг “Ал-Ваҳда”, Қувайтнинг “Қувайт СК” ва Бахрайннинг “Ал-Ҳалдия” клублари билан куч синашади.

Интернет маълумотлари асосида
тайёрланди.

МУАССИС:



О‘ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O‘zbekiston Ovozi

ТАҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug‘bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 837. 3711 nusxada bosildi.

Nashr ko‘rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O‘za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda